# АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

# Ш А Р Т Н О М А



**Қўрғонтепа – 2022 йил**

# Ш А Р Т Н О М А № 28

(автомобиль транспортида хизмат кўрсатиш хақида)

"20" июль 2022 йил Қўрғонтепа тумани

Қўрғонтепа тумани **"Рухшона келажаги"** МЧЖ низомиға асосан фаолият кўрсатади ва бундан буён матнда **"Корхона"** деб юритилувчи номидан рахбар **О.Акбаралиев** бундан буён матнда **"Буюртмачи"** деб юритилувчи номидан низомга асосан **Қўрғонтепа тумани Халқ таълими бўлими мудири Т.Умаров** орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда тузадилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага мувофиқ **"Буюртмачи"** нинг ишлаб чиқариш зарурияти ёки бошқа бошқа эхтиёжлар учун **"Корхона"** юк автомобилида транспорт хизмати кўрсатади. Кўрсатилган транспорт хизмати учун **"Буюртмачи"** белгиланган тарифлар асосида белгиланган хизмат хаққи учун тўловни амалга оширади. Тарафлар шартномада белгиланган мажбуриятларни тўла таъминлашни зиммаларига оладилар.

1.2. Шартноманинг қиймати тахминан **110 164 000 (Бир юз ўн миллион бир юз олтмиш тўрт минг)** сўм этиб белгиланади хамда ушбу шартноманинг 8-бўлимига мувофиқ ўзгариши хам мумкин.

## 2. ТАШИШ ШАРТЛАРИ

2.1. **"Корхона" "Буюртмачи"** нинг эхтиёжи учун керакли соз транспорт воситаларини ажратиб беради ва ташишларни ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

2.2. **"Корхона"** мухри билан тасдиқланган йўл варақаси хайдовчига юк олиш, юклаш ва тушириш, манзилга кириб бориш хамда мазкур объектлардан махсус рухсатномасиз у ердан жўнаш хуқуқини беради.

2.3. Юк ташиш учун **"Буюртмачи"** га автомобиль бериш ушбу шартномани 4-бўлимига мувофиқ ташиш қийматлари олдиндан тўланганидан кейин амалга оширилади.

2.4. Ушбу шартномада кўрсатилган юклар, шунингдек ташиш учун махсус мосламалар, боғлаш мосламалари, автомобилларни жихозлашни талаб қиладиган катта, суюқ, узун хажмли ва бошқа юкларни хар бирини ташишга алохида холатларда томонларнинг келишуви бўйича қабул қилинади. Автомобильни қўшимча жихозлаш **"Буюртмачи"**нинг хисобидан амалга оширилади.

2.5. Ташишларнинг қўшимча шартлари бир километр ва бир тонна кўмир учун 2000 сўмдан.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**"Корхона"** қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Юк ташиш учун **"Буюртмачи"** га санитария, техника, харакат, ёнғин хавфсизликлари талабларига тўла жавоб бера оладиган техник жихатдан соз бўлган транспорт воситалари билан таъминланади.

3.1.2. Юкнинг хажми ва хусусиятига караб юкларни ташишни амалга ошириш учун автомобильлар тури ва микдорини аниклаш. **"Буюртмачи"**нинг масъул вакилига юк ташиш учун буюртмада белгиланган муддатда топшириш. **"Корхона"** юкни етказиб беришда агар етказиб бериш унинг айби билан юз бермаган бўлса жавобгарликдан озод этилади.

3.1.3. Ташишни мазкур турини амалга ошириш, хайдовчини керакли хужжатлар билан таъминлаш

3.1.4. Хайдовчига юк ташишни бажариш тартиби, товар-транспорт юк хатлари ва ташиш билан боғлиқ барча хужжатларни расмийлаштириш тўғрисида йўрикнома бериш.

3.1.5. Хайдовчиларни мунтазам техника, ёнгин хавфсизлиги ва юк тушириш ишларини бажариш жараёнида хавфсизлик йўриқномаларидан ўтказиб туриш.

3.1.6. Хайдовчилар томонидан **"Буюртмачи"** тайинланган масъул шахсни юк ташиш билан боғлиқ барча кўрсатмаларни конун доирасида бажарилишини таъминлаш. Юкларни белгиланган йўналишлардан четга чиқмаган холда сифатини бузмасдан, юкланган микдорда нобуд қилмай вактида манзилига етказишни таъминлаш.

**"Буюртмачи"** қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. **"Корхона"** га олдиндан ташиладиган юклар учун зарур бўлган талабномани ёзма ёки телефон оркали бир кун олдин тақдим қилиш.

3.2.2. Шахарлараро юкларни ташишни амалга оширишда **3 (уч)** кундан кечиктирмай ёзма шаклда талабнома бериш.

3.2.3. Йўл варақалари, товар-транспорт юк хатлари, сертификатлар ва таснифлаш (спецификациялаш)ни ўз вақтида хамда тегишли равишда расмийлаштиришни таъминлаш. Автомобильларни ортиш, тушириш манзилларига хақиқий келган ва кетган вақтини белгилаш, товар транспорт хужжатлари, реквизитлари тўлдирилишининг нотўғрилиги, ноаниқлиги тўла бўлмаслигининг барча оқибатларига жавобгарликни ўз зиммасига олиш.

3.2.4. Товар транспорт юк хатлари билан расмийлаштирилмаган товар характеридаги юкларни ташиш учун тақдим этмаслик.

3.2.5. Ўз кучи ва воситалари билан тасдиқланган вақт меъёрий хужжатлар доирасида юклаш, тушириш ишларини таъминлаш, талабларга мувофиқ махкамлаш ва боғлашни амалга ошириш. Хайдовчининг зарур холларда юк хажмини белгиланган вақт меъёрларида аниқлаш имконини таъминлаш, бунинг учун худудларда керакли техника воситалари ва ўлчов асбобларига эга бўлиши керак.

3.2.6. Автомобильларга тўла сиғимигача юк ортиш аммо бу юк кўтариш хажмидан юқори бўлмаслиги лозим.

3.2.7. Истеъмолчи томонидан қабул қилинмаган юкни тўхтовсиз янги манзилга олиб бориш ёки зудлик билан қайтарилган юкни ташилгани учун хак тўлаш тўғрисида товар-транспорт юк хатига белги қўйган холда ўз омборига қабул қилишни таъминлаш.

3.2.8. Сочиладиган ва чанг еядиган юкларни ташишда уларни тегишли ёпқичлар билан ёпиш ва қисиб турувчи мосламалар билан махкамлашни таъминлаш.

3.2.9. Хайдовчини олдиндан хабардор қилган холда юк тушириш жойини аниқ белгилаш.

3.2.10. Созланган идишлар (контейнер, тагламалар ва в.к.лар) хамда носоз идишлардан фойдаланиш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар учун жавобгарликни таъминлаш.

3.2.11. Автомобиль ва автопоездларни сутканинг ва йил фаслларининг хар қандай вақтида

тўсиқларсиз ўтиш ва бориб келиш имкониятини таъминлаш, кириб келиш йўли хамда юклаш туришини майдонларини соз холда саклаш.

3.2.12. Юк тушириш механизмлари, юк қабул қилишнинг узлуксиз ишлаши, майдонча ва уларга кирувчи йўлларнинг сутканинг қоронғу пайтида ёритилишини таъминлаш.

3.2.13. Автомобиль ишлаган кунда юклаш ва тушириш манзилларида товар транспорт хужжатларини тўлдириш, расмийлаштириш, штамп ва мухр билан тасдиқлаш учун масъул шахсни тайинлаш ва барча реквизитларни тушунарли ва аниқ тўлдиришни таъминлаш.

3.2.14. Автомобиль доимий турадиган жойидан ташқарига жўнатилганида **"Буюртмачи"** хисобидан уларни овқатланиш, ётиш жойи ва автомобиль турар жойлари билан таъминлаб уларни қўриқлашни ташкил этиш.

## 4. ХАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ЮК ТАШИШГА ХИСОБ-КИТОБЛАР

4.1. Юкларни ташиш ва улар билан боғлиқ хизматлар учун хақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 04.05.1992 йил кунги 221-сонли "Авиация ва автомобилларда ташишлар учун тарифлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ шартномавий (эркин) нархлар асосида белгиланади.

4.2. **"Корхона"**билан **"Буюртмачи"** ўртасида хисоб-китоблар пул ўтказиш асосида тижорат банкларининг тўлов топшириқномалари, чеклар, аккредитивлари билан амалга оширалади. Бажарилган ташишлар учун товар транспорт юк хатлари ёки юкни ўлчаш, тортиш далолатномалари, **"Буюртмачи"** томонидан **йўл-варақаси** счет ёзишга асос бўлади. Счетни олганидан сўнг **"Буюртмачи"** 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай кўрсатилган транспорт хизмати учун тўловни амалга оширади.

4.3. **"Буюртмачи"** томонидан ташиш хаққини киритиш шунингдек ташувчининг амалган оширмаган ташиш учун қайтариш билан боғлиқ хисоб-китоблар тартибини бузилиши транспорт хизмати тўлови кечиктирилган хар бир кун учун тўлов миқдорининг 0.4% миқдорида қўшимча тўловга олиб келади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1998 йил кунги фармони мувофиқ **"Буюртмачи"** автоташишлар бошлангунига қадар мажбурий тарзда **"Корхона"**га шартнома қийматининг 30% миқдорида камида олдинган тўловни амалга оширади.

4.5. Фавқулотда холатлар юзага келган холларда мазкур шартнома муносабатлари "**Автомобиль транспорти хизмати тўғрисида**"ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ табиий офатлар ёки уларнинг оқибатларини тугатиш даврида тўхтатиб турилиши мумкин ва ташишлар (15% миқдорида) олдиндан хақ тўланмасдан амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ташишларнинг ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажармаган ёхуд тегишлича бажармаган холатларда томонлар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Юк ташилганда етказилганда йўқолган етишмаган ёки шикастланган юкнинг қиймати миқдорида моддий зарарни **"Корхона"** хисобидан қопланади.

5.3. Келишилган вақтга кўра автомобильларни дастлабки юклаш манизилига ўз вақтида еткизб бермаганлиги учун **"Корхона"** **"Буюртмачи"**га кечиктирилган хар бир минути учун энг кам иш хаққининг 1 (бир) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

бирок бу жарима шартномавий ташиш хаққининг 10 (ўн) фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

5.4. **"Буюртмачи"**нинг айби билан ёки ташишга ажратилган автомобильларнинг белгиланган муддатдан (туриб қолиш) кечиккани учун **"Буюртмачи" "Корхона"** га автомобильнинг хар бир кеч қолган минути учун 1 (бир) фоизи миқдорида жарима тўлайди, бироқ бу жарима шартномавий ташиш хаққининг 10 (ўн) фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

5.5. Товар транспорт хужжатларидан хамда йўл варақаларида автомобильларни келган ва кетган вақти хақида белгилар хамда юклар кам миқдорда (кедогруз) юклангапли хар бир соати ва кам юкланган тонна тарифлар асосида 2 (икки) баробар хисобланиб **"Буюртмачи"**га тақдим этишга асос бўлади.

5.6. Юкнинг номи хусусиятини нотўгри кўрсатган холда ташиш ман этилган ноконуний юкни ёки ташишда махсус эхтиёт чоралари қўллашни талаб киладиган юкни тақдим қилгани учун **"Буюртмачи"** қонун олдида тўлиқ жавобгар хисобланади.

5.7. Товар транспорт юк хатига божхона қоидалари бажариш учун зарур бўлган хужжатлар илова қилинмаганлиги оқибатида автомобильлар ушлаб қолингани учун **"Буюртмачи"** ушбу шартномани 5.4 моддасида белгиланган миқдорда кўрилган зарарни қоплаш учун **"Корхона"** га жарима тўлайди.

5.8. **"Корхона" Буюртмачи"**нинг айби билан унинг худудида юклаш қва тушириш нагида хамда тўхташ жойида харакат таркибининг шикастланганлиги учун икки томонлама далолатнома тузади. **"Буюртмачи"** томонидан далолатномани имзолаш рад этилган тақдирда эса бир томонлама асосида **"Буюртмачи"**дан тўла моддий зарарни ундириб олиш хуқуқига эга.

5.9. Ушбу шартномада назарда тутилмаган колган масалаларда томонлар амалдаги қонунлар **"Автомобиль транспорти хизмати тўгрисида"**ги қонун хамда автомобиль транспортида юкларни ташиш коидасига амал киладилар. Қонун билан белгиланган жавобгарликни чеклаш ёки бартараф этиш тўгрисидаги томонларнинг келишуви хақиқий эмас.

## 6. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТИ

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажармаганликлари учун, енгиб бўлмас кучлар, харбий харакатлар муайян йўналишларда юкларни ташишни тўхтатиш ёки чеклаш оқибатида юз берган бўлса жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Мажбуриятларни бажариш учун имконият бўлмай қолган томон бошка томонни 5 (беш) сутка давомида ёзма равишда хабардор қилади.

## 7. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ўртасида пайдо бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокара йўли билан хал қилинади.

7.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал килиб бўлмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси **"Иқтисодий"** судлари томонидан кўриб чиқилади.

## 8. АЛОХИДА ШАРТЛАР

8.1. Томонлар юкларни ташишни кийматлашувига олиб келадиган ташиш шартлари ўзгарганда, янги конунлар, меъёрий хужжатлар кучга кирганда, нархлар, энг кам иш хакки микдори, эхтиёт кисмлар, ёкилги, мойлаш материалларини нархи (в.х.к.) лар ўзгарганда 3 (уч) кун муддатда ташиш таннархининг янги калькуляциясини тузиш хамда янги шартномавий нархларни келишиб олишга мажбурдирлар. Томонларга уларнинг ўзаро муносабатларини белгиловчи кўшимча битимларни бериш хукуки берилади. Агар **"Буюртмачи"** ташишлар янги кийматини тасдикламаса **"Корхона"** янги киймат амал килган вактдан бошлаб шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килинади.

8.2. **"Корхона"**нинг молиявия ахволида кийинчиликлар юзага келиб, ёкилғи, мойлаш материалларига эхтиёж сезилга тарафларнинг келишувига асосан ташишлар учун ёкилғи, мойлаш материаллари **"Буюртмачи"** хисобидан таъминланиб, ташишлар амалга оширилади. Келгусида ташишлар учун транспорт хизмати хакки хисобидан ёкилғи, мойлаш материаллари хакки чикариб юборилади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома «20» Июль 2022 йил кунидан «31»Декабр 2022 йил кунига муддатда тузилади ва улар имзолаган вактдан кучга киради.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ МАЪЛУМОТЛАРИ

**«Корхона»**

Рухшона келажаги МЧЖ

Манзил: Андижон шахар Богишамол дахаси айланма кучаси №1-уй

Тел./факс 93 427-77-77

Х/р: 20208000204812978000 1

Банк номи Хамкор банк Кўрғонтепа бўлми

МФО 00083 ИНН 301388054

ОКОНХ

Раҳбар: ______ О.Акбаралиев

**«Истеъмолчи»**

Қўрғонтепа туман Халқ таълим бўлими

Манзил:Шифокор куча № 5 уй

Тел./факс: 723-13-92

ш/х 100022860032207092100075080

бюджетдан маблағ олувчи

СТИР 200279114 ОКОНХ 92310

Ғазначилик бўлинмаси номи:

Қўрғонтепа тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна ҳ/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк

Тошкент шахар бош бошқармаси ХККМ

МФО: 00014

ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919

Раҳбар ______ Т.Умаров

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: FQ5414454022

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№OZ60477113**

1. Loyihaning turi

   **Fuqarolik shartnoma**

2. Loyihaning nomi

   **Haq evaziga xizmat ko‘rsatish shartnomasi**

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot

**Qo’rg’ontepa tuman halq ta’limi bo‘limi tomonidan**

**2022 yil “20” iyul**

Qo`rg`ontepa tuman halq ta`limi bo`limi “Buyurtmachi” nomidan mudiri T. Umarov va Andijon shaxrida joylashgan “Ruxshona kelajagi” MChJ nomidan O.Akbaraliev keyinchalik matnda “Bajaruvchi” (taraflar tomonidan) tuzilgan haq evaziga transport xizmati ko‘rsatish to‘g‘risidagi shartnomasi loyixasi yuzasidan.

Shartnoma loyihasiga asos sifatida tegishli xujjatlar ilova qilingan.

Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqarilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**2022 yil “20” iyul**

**Qo‘rg‘ontepa tumani yuridik xizmat ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **I.B.Sadikov**

2834

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"RUHSHONA KELAJAGI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"RUHSHONA KELAJAGI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

30.11.2009 3298 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 301388054

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Andijon viloyati, Andijon shahri, Bog'ishamol daxasi Aylanma ko'chasi 1/b-uy,

Guvohnoma: Andijon viloyati, Andijon shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИСИ СИФАТИДА РЎЙХАТДАН ЎТГАНЛИК ТЎҒРИСИДА

# Г У В О Ҳ Н О М А

Ушбу Гувоҳнома қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини тасдиқлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НОМИ:

**RUHSHONA KELAJAGI МЧЖ**

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

**301388054**

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

**САВАЙ Н.МАМАТКОДИРОВ**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

**303140002937**

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

**14.11.2018**

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 120483 на приобретение Мактабларга кумир ташиш хизмати учун

Способ проведения электронный

Дата 16.07.2022

Время рассмотрения 16.07.2022 17:24

Конкурсная комиссия Кургонтепа тумани ХТБ марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMAROV TO'LQIN TURGUNBAYEVICH | Мудир | Кургонтепа тумани ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | QUVATOV DAMIR ASQAROVICH | Хисобчи | Кургонтепа тумани ХТБ |
| **Член комиссии** | MIRZAYEV RASULJON RAXIMOVICH | Директор | Кургонтепа тумани 4-мактаб |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV SHUXRAT NUMANOVICH | ХТБ бош мухандиси | Кургонтепа тумани ХТБ |
| **Член комиссии** | Хурибоев Алобек Иномович | Директор | Кургонтепа тумани 3-мактаб директори |
| **Член комиссии** | TILLABAYEV UMIDJON RO'ZIVAYEVICH | бош хисобчи | Кургонтепа тумани ХТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.07.2022 года № лота 120483.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| Наименование товара (работы, услуги) | **Услуга по перевозке грузов** |
|---|---|
| Подробное описание | Мактабларга кумир ташиш хизмати учун |
| Количество товара | 55 082.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 2 100.00 |
| Стартовая сумма | 115 672 200.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиларига шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар хамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО RUHSHONA** | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| KELAJAGI | | | | | | |
| Tikuvchi oila Abdullayevlar | 5 | 5 | 0 | Экспертная | | |

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида кайд этилмаганлиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО RUHSHONA KELAJAGI | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| Tikuvchi oila Abdullayevlar | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Шартнома тузиш учун конуний хукукка эгалик, соликлар ва бошка мажбурий туловларни тулаш буйича карздорликгининг мавжуд эмаслиги, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО RUHSHONA KELAJAGI | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| Tikuvchi oila Abdullayevlar | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |

Критерий №4 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза, рус тили ёки узбек тилида

Тип: Текстовое значение

Описание: мухим

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО RUHSHONA KELAJAGI | 5 | 5 | 5 | Экспертная | | |
| Tikuvchi oila Abdullayevlar | 5 | 5 | 2 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Tikuvchi oila Abdullayevlar | 115 672 200.00 | 114 570 560.00 UZS | 114 570 560.00 | 00.00 | 114 570 560.00 | 15.07.2022 14:13:03 | 48.08 |
| **OOO RUHSHONA KELAJAGI** | 115 672 200.00 | 110 164 000.00 UZS | 110 164 000.00 | 00.00 | 110 164 000.00 | 15.07.2022 13:12:21 | 50.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **Tikuvchi oila Abdullayevlar** | 30 | 48.08 | 78.08 |
| **OOO RUHSHONA KELAJAGI** | 50 | 50 | 100 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 120483 от 16.07.2022 года на приобретение Мактабларга кумир ташиш хизмати учун определила победителем:

OOO RUHSHONA KELAJAGI
301388054

и резервный исполнитель: Tikuvchi oila Abdullayevlar (308423764)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | UMAROV TO‘LQIN TURGUNBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Хурибоев Алобек Иномович | Согласен | |
| **Член комиссии** | MIRZAYEV RASULJON RAXIMOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMUDOV SHUXRAT NUMANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | TILLABAYEV UMIDJON RO‘ZIVAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП